*Рамазон ҳайитингиз муборак бўлсин, азиз юртдошлар!*

*Байрамингиз билан, муҳтарам ўқитувчилар ва мураббийлар!*



**Insonga naf keltirish — oliy baxt**

# Ishonch

O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi gazetasi

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

2008-yil 1-oktabr, chorshanba

№120-121(2534)

*Дунё иморатлари ичида энг улуғи мактаб бўлса, касбларнинг ичида энг шарафлиси ўқитувчи ва мураббийликдир.*

**Ислом КАРИМОВ**

# Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига

Муҳтарам муаллим ва мураббийлар!

Қадрли устозлар!

Дунёдаги энг машаққатли, айни пайтда шарафли касб эгаси бўлган сиз, азизларни умумхалқ байрами – Ўқитувчилар ва мураббийлар куни билан самимий муборакбод этаман.

Ҳеч шубҳасиз, биз барчамиз, ёшимиз ва касбу коримиздан қатъи назар, қалбимизда унутилмас из қолдирган қадрдон мактабимиз ва унинг бағрида кечган беғубор йилларимизни, бизга билим берган, инсонийлик фазилатларини ўргатган меҳрибон ўқитувчи ва мураббийларимизни умр бўйи катта ҳурмат ва эҳтиром билан эслаймиз. Айни шундай устозларга нисбатан миннатдорлик ва қарздорлик туйғуси азал-азалдан халқимиз эъзозлаб яшаётган энг буюк қадриятлардан бири бўлиб келмоқда.

Биз истиқлолга эришганимиздан кейин таълим соҳасида эски қолиплардан воз кечиб, бутунлай янгича принципларга, аввало, миллий анъана ва қарашларга, жаҳондаги илғор андозаларга асосланган тизимни барпо этиб, ҳаётимизга чуқур жорий этганимиз бугунги кунда ўзини амалда тўлиқ оқлаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Буни ҳозирги вақтда нафақат юртимиз аҳли, балки кенг халқаро жамоатчилик тан олиб, бу тизим узоқни кўзлаётгани, унинг миқёси ва кўлами ортиб, мамлакатимизнинг буюк келажаги учун том маънода ҳал қилувчи аҳамият касб этаётгани, таъбир жоиз бўлса, «портлаш таъсири»га олиб келиши мумкинлигини эътироф этмоқда.

Асосий маъно ва моҳиятини мутлақо янгича, мустақил фикрлайдиган, замонавий янгилик ва технологияларни ўзлаштиришга қурби-қудрати етадиган, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида камол топаётган, маънавий ва жисмоний етук ёшларимизни тарбиялашдек эзгу мақсад ташкил этадиган бу тизим ҳақли равишда ўзгаларнинг ҳавасини уйғотмоқда.

Дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган ана шундай ёш авлодимизни вояга етказаётган фидойи ўқитувчи ва мураббийларга эътиборни кучайтириш, уларнинг машаққатли меҳнатини рағбатлантириш, соҳа ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг янги тизимини яратиш таълим соҳасида олиб бораётган ислоҳотларимизнинг самараси ва пировард натижасини оширишда ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

Шу борада умумтаълим мактабларида хизмат қилаётган ўқитувчиларнинг ўртача иш ҳақи кейинги икки йил мобайнида 2,8 баробар оширилганини қайд этиш жоиз. Фақатгина мана шу йилнинг ўзида олий ўқув юртлари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасалари ходимларининг иш ҳақи қўшимча равишда 1,5 баробар оширилгани бу йўлда яна бир муҳим қадам бўлди, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Албатта, таълим соҳасида ишлаётган мутахассисларнинг бугунги ва келажак ҳаёти учун замин туғдириб бермасдан, уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватламасдан, эртанги кунга ишончини мустаҳкамламасдан туриб, бу ҳақдаги барча даъватлар кутилган натижани бермаслигини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Табиийки, ҳозирги кунда турмуш даражаси ва сифатининг тобора ўсиб бориши ҳар қайси инсоннинг муносиб ҳаёт кечиришини таъминлаш, унинг меҳнатини холисона баҳолаш ва рағбатлантириш масаласини давлат ва жамиятимиз олдига муҳим вазифа қилиб қўймоқда. Бундай сиёсатни изчил амалга ошириш ва узлуксиз давом эттиришни мен бундан буён ҳам ўзимнинг Президент сифатидаги юксак бурчим деб биламан.

Биз мустақиллик йилларида олдимизда турган энг устувор вазифа – соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашдек эзгу орзу-интилишларимизни рўёбга чиқариш авваламбор юқори малакали педагоглар, устоз-мураббийларга боғлиқ эканини чуқур англаган ҳолда, уларнинг давлат ва жамият қурилишидаги ўрни ва нуфузини юксалтириш, қадр-қимматини жойига қўйиш, янги ҳаёт, янги жамият қуриш жараёнида жойларда ва марказда кундалик муаммоларни маърифат аҳли билан бамаслаҳат ечиш масаласига алоҳида эътибор қаратаётганимиз албатта бежиз эмас.

Бугунги кунда мамлакатимизда қарийб 1 миллион таълим соҳаси ходимлари ўзининг кўз нури ва қалб қўри, билим ва истеъдодини бағишлаб, 7 миллиондан зиёд ўғил-қизларимизга таълим ва тарбия бераётганини ҳисобга оладиган бўлсак, бу соҳада бизнинг қандай катта куч ва салоҳиятга эга эканимиз аён бўлади.

Шу маънода, мамлакатимизда 1 октябр санасини Ўқитувчилар ва мураббийлар куни – мана шундай гўзал ва мўътабар байрам сифатида белгилаб, уни дам олиш куни деб эълон қилганимиз дунёда камдан-кам учрайдиган мисол бўлиб, давлатимиз, халқимизнинг, шахсан ўзимнинг сиз, азизларга бўлган чуқур ҳурмат ва эҳтиромимнинг яққол ифодаси десам, янглишмаган бўламан.

Шу ўринда яна бир фикрга алоҳида тўхталиб ўтишни лозим деб биламан. Бугунги кунда юксак маънавиятни жамиятимизда енгилмас кучга айлантириш ҳақида қизғин фикр алмашувлар бўлиб ўтаётганидан барчангиз яхши хабардорсиз. Бу ўта муҳим ва долзарб масалани кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйишнинг зарурати ҳақида ортиқча гапириб ўтиришга ҳожат йўқ, деб ўйлайман. Фақат таъкидлаб айтмоқчиман: болаларимизни миллий қадриятлар руҳида камол топтириш, биз кимларнинг, қандай буюк зотларнинг ворислари эканимизни фарзандларимизга етказиш, уларни аждодларимиз қолдирган улуғ ва бетакрор мероснинг муносиб давомчилари этиб тарбиялаш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Ана шундай муҳим тушунчаларни биз интилаётган эркин ва фаровон, обод ҳаётни бунёд этишга қодир бўлган янги авлоднинг онгига сингдириш, уларни бугунги юксак тараққиёт чўққиларини эгаллашга даъват этиш, умидимиз ва ишончимиз бўлмиш ўғил-қизларимизни ҳар қандай бало-қазо ва хавф-хатарлардан асраш ва ҳимоя қилиш биз учун энг ўткир, ҳал қилувчи масала бўлиб қолаётганини унутмаслигимизни истардим.

Мана шундай буюк, ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган вазифани аввало навқирон наслнинг меҳрибон тарбиячилари, менинг энг яқин кўмакчим ва маслакдошларим бўлган сиз, азизларга ишониб топширганимизни бугун шу юксак минбар орқали алоҳида таъкидлашдан мамнунман.

Муҳтарам ва қадрли устозлар!

Мана шу муборак кунларда бутун юртимиз бўйлаб кенг нишонланаётган қутлуғ байрамингиз билан сизларни яна бир бор табриклар эканман, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга тинчлик ва файзу барака тилайман.

Меҳр ва маърифат нури қалбингизни ҳеч қачон тарк этмасин, азизларим!

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

# «ЎҚИТУВЧИЛАР ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ» МУНОСАБАТИ БИЛАН МАМЛАКАТИМИЗ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

*Ватанимизнинг маънавий-маърифий салоҳиятини юксалтириш, ёш авлодни она юртга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги руҳида ҳар томонлама соғлом ва баркамол қилиб вояга етказиш, уларга фан асосларини ҳамда замонавий касб-ҳунарларни ўргатишдаги жонкуярлиги, таълим-тарбия соҳасидаги кўп йиллик самарали меҳнати ва жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:*

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ЎҚИТУВЧИСИ»**

**Азларов Турғун Раҳматович** — Шайхонтоҳур туманидаги 40-умумий ўрта таълим мактабининг математика ва информатика фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Халимбетов Султанбай Багибекович** — Тўрткўл туманидаги 11-умумий ўрта таълим мактабининг кимё ва биология фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМИ»**

**Воҳидова Сайёра Носировна** — Шеробод туманидаги 56-умумий ўрта таълим мактаби директори, Сурхондарё вилояти

**Мавлонов Холмирзо Ўролович** — Тайлоқ туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактабининг чизмачилик ва тасвирий санъат фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**Эгамова Мўмина Тожиевна** — Кармана қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежининг физика фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЁШЛАР МУРАББИЙСИ»**

**Азимова Комила Норматовна** — Сардоба туманидаги 6-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

**Асқарова Умида Абдулманнобовна** — Андижон давлат университети қошидаги академик лицейнинг биология фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

**Аҳмадалиева Мунавварxон Олимовна** — Тўрақўрғон туманидаги 2-умумий ўрта таълим мактабининг тарих фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

**Мамадалиева Зубайда Ражабовна** — Ромитан туманидаги 34-умумий ўрта таълим мактабининг кимё-биология фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

**Мирзақулов Баҳодир Ҳатомович** — Пахтакор туманидаги Болалар ва ўсмирлар спорт маркази директори, Жиззах вилояти

**Ортиқбоева Ҳабиба Аллоёровна** — Бўка туманидаги 14-умумий ўрта таълим мактабининг математика-информатика фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**Собиров Аҳмед Юлдашевич** — Шовот туманидаги 49-ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг математика фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

*Мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини замонавий асосда такомиллаштириш, халқимизнинг маданияти ва маънавиятини юксалтириш, ёш авлодни ватанпарварлик ва миллий ғояга садоқат руҳида тарбиялаш, юртимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш борасидаги кўп йиллик фидокорона хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:*

**«ФИДОКОРОНА ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Бўронов Олим Саидович** — Ромитан агробизнес касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси — ишлаб чиқариш таълими устаси, Бухоро вилояти

**Эшонқулов Артиқбой** — Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги Юнусобод академик лицейи директори, Тошкент шаҳри

*Мамлакатимизда ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш ишига қўшган катта ҳиссаси, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишдаги ибратли фаолияти ва халқ таълими тизимидаги кўп йиллик самарали меҳнати учун қуйидагилар мукофотлансин:*

**«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Асқарова Муҳаббат Исмаиловна** — Қўшкўпир туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг француз тили ўқитувчиси, Хоразм вилояти

**Бердиева Айша Досбековна** — Жиззах шаҳридаги 2-болалар мусиқа ва санъат мактабининг чолғу асбоблари бўлими ўқитувчиси, Жиззах вилояти

**(Давоми 2-бетда)**



# ТАЪЗИМ СИЗГА, УСТОЗЛАР!

***Барчамизни билимлар оламига ошно этиш баробарида онгу-шууримизда олийжаноб фазилатларнинг шаклланишида, теран ва соғлом тафаккур соҳиби бўлиб вояга етишимизда меҳрибон устозлар, фидойи мураббийлар, ғамхўр ўқитувчиларнинг хизмати беқиёсдир. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёш авлод таълим-тарбияси, камолотида ғоят муҳим ўрин тутувчи ушбу соҳа ходимлари меҳнатини эъзозлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.***

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бир неча йилдан буён юртимизда 1 октябр — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланади. Зеро, бу кун маърифатпарвар халқимиз, фарзанди камолини кўриш истагидаги ота-оналар, билимга чанқоқ ёшлар учун ҳам чинакам байрамдир. Меҳридарё устозларни ардоқлаш, уларга эҳтиром кўрсатиш халқимизнинг азалий ва айни пайтда истиқлол йилларида янгича маъно ва мазмун касб этган қадриятларидандир.

Шу кунларда мамлакатимизда умумхалқ байрами — Ўқитувчилар ва мураббийлар кунига бағишланган кўплаб тадбирлар, анжуманлар, давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказилмоқда.

Байрам арафасида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда пойтахтимиздаги умумтаълим мактабларининг бир гуруҳ ўқитувчилари, мураббийлар, педагоглар Мустақиллик майдонини зиёрат қилиб, ҳуррриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гуллар қўйдилар. Пойтахтимизда умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар, олий таълим тизимида кечаётган ўзгаришлар билан яқиндан танишиш мақсадида мактаблар, коллежлар, олий таълим даргоҳларида, музейлар, маданий маърифий масканлар, санъат саройларида бўлдилар. Истиқлол йилларида шаҳримизда амалга оширилаётган кенг кўламдаги бунёдкорлик ишлари билан танишдилар.

29 сентябрь куни «Туркистон» саройида мазкур умумхалқ байрамига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Шу муносабат билан бу ерга турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, таълим-тарбия соҳасида узоқ йиллардан буён самарали меҳнат қилган педагоглар, илғор ўқитувчилар, олимлар ва талаба-ёшлар таклиф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон ўқитувчилари ва мураббийларига табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 29 сентябрда қабул қилинган фармонига биноан мамлакатимиз таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнак кўрсатган ходимлардан бир гуруҳи Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланди.

**(Давоми 2-бетда)**

*Ўзбекистон Миллий университетининг Ватанимиз тарихи ва тараққиётидаги алоҳида ўрни ва мавқеини, унинг нафақат республикамизда, балки минтақамизда ҳам биринчи замонавий олий таълим муассасаси сифатидаги беқиёс аҳамиятини халқимиз, жамоатчилигимиз яхши билади ва юксак қадрлайди.*

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг профессор-ўқитувчилари ва талабаларига, бутун жамоасига йўллаган табригидан**



# Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети 90 ёшда

*Ўзбекистон Миллий университетининг муҳташам Маданият саройида мазкур санага бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизнинг қатор давлат ва жамоат тузилмалари вакиллари, Ўзбекистон Фанлар академияси тизимидаги илмий муассасалар раҳбарлари, университет ўқитувчи ва талабалари, шунингдек, уни турли йилларда тамомлаган битирувчилар иштирок этди.*

*Йиғилишни Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректори F.Муҳамедов очди.*

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг профессор-ўқитувчилари ва талабаларига, бутун жамоасига йўллаган табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.*

*Тантанали йиғилиш санъат усталари ва ёш ижрочилар иштирокидаги байрам концерти билан якунланди.*

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

# «ЎҚИТУВЧИЛАР ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ» МУНОСАБАТИ БИЛАН МАМЛАКАТИМИЗ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

*(Боши 1-бетда)*

**Боймуродова Гулчеҳра Очиловна** — Чироқчи туманидаги 37-умумий ўрта таълим мактабининг меҳнат таълими фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**Ботиров Сайидмурод** — Каттақўрғон тумани халқ таълими бўлими услубчиси, Самарқанд вилояти

**Жўраев Салим Мардиевич** — Бухоро туманидаги 9-умумий ўрта таълим мактаби директорининг ўқув-тарбия ишлари бўйича ўринбосари, Бухоро вилояти

**Павлова Ирина Геннадьевна** — Учтепа туманидаги 107-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Талхаев Сали** — Фарғона туманидаги 51-умумий ўрта таълим мактабининг математика ва информатика фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**Ҳамдамов Илҳом Маматқулович** — Избосқан туманидаги 10-умумий ўрта таълим мактабининг география фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

**Хўжаев Абдитолиб Нормаматович** — Навбаҳор туманидаги 15-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

*Ёш авлодни маънавий етук ва жисмонан соғлом қилиб камол топтириш ишига қўшган улкан ҳиссаси, уларга билим ва тарбия бериш йўлидаги ибратли фаолияти ҳамда ёшларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашдаги хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:*

**II ДАРАЖАЛИ «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Абдуллаева Назокат Камоловна** — Касби туманидаги 26-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**Андреев Лев Федорович** — Тошкент ахборот технологиялари университети қошидаги Мирзо Улуғбек номидаги академик лицейнинг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Зарликова Куанишгул** — Нукус тиббиёт коллежининг стоматология фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Нурматова Ҳолида Мазитовна** — Ширин шаҳридаги 1-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси, Сирдарё вилояти

**Эшқуватов Иззатулло Сайфуллаевич** — Каттақўрғон тиббиёт коллежининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

*Юртимизда тинчлик ва тотувлик, миллатлараро дўстлик, ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, жамиятда меҳр-оқибат ва бағрикенглик ғояларини қарор топтириш, иқтидорли ёшларнинг истеъдодини рўёбга чиқариш, уларни халқимизнинг муносиб фарзандлари, ҳар томонлама етук инсонлар этиб тарбиялаш йўлидаги намунали хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:*

**«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Абдурасулова Зарифа Абдураҳмоновна** — Китоб туманидаги 34-умумий ўрта таълим мактабининг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**Акабоев Ҳасан Тўлиевич** — Зафаробод қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими устаси, Жиззах вилояти

**Асриева Елена Александровна** — Мирзо Улуғбек туманидаги 64-умумий ўрта таълим мактабининг тарих ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Аҳмедова Нигора Янгиевна** — Олот туманидаги 2-умумий ўрта таълим мактабининг тарих, давлат ва ҳуқуқ асослари фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

**Болтамуратова Арзигул Жолдасбаевна** — Шуманай туманидаги 14-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Жўраева Раҳима Бўстановна** — Мингбулоқ туманидаги 13-умумий ўрта таълим мактабининг немис ва инглиз тиллари фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

**Кўчқорова Гулара Йўлдашевна** — Гурлан туманидаги 2-умумий ўрта таълим мактабининг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

**Кушанова Фотима Байгараевна** — Ўртачирчиқ туманидаги 28-умумий ўрта таълим мактабининг қозоқ тили ва адабиёти ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**Назаров Исмоил Ибрагимович** — Қизилтепа туманидаги 3-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқитувчиси, Навоий вилояти

**Рўзиева Насиба Саваровна** — Термиз туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**Собиров Нусратилло Ҳабибуллаевич** — Марҳамат қишлоқ ва сув хўжалиги касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Андижон вилояти

**Қайпов Бекполат Мирзамбетович** — Кегейли туманидаги 50-умумий ўрта таълим мактабининг кимё ва биология фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

*Ёш авлодни Ватанимиз ва халқимизга муҳаббат, миллий ғояга садоқат, миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги руҳида тарбиялаш, таълим жараёнига замонавий педагогик технологияларни жорий этишда эришган муваффақиятлари учун қуйидагилар мукофотлансин:*

**«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН**

**Абдуғаниев Акмал Абдуғаффарович** — Янгиобод агроиқтисодиёт касб-ҳунар коллежи услубчиси, Жиззах вилояти

**Абсаломов Искандар Сайидович** — Чирчиқ шаҳридаги 14-Меҳрибонлик уйи директорининг маънавий ва маърифий ишлар бўйича ўринбосари, Тошкент вилояти

**Акбаров Шукурулло Исмоилович** — Охунбобоев туманидаги 20-умумий ўрта таълим мактабининг мусиқа фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**Акрамова Раъно Бозоровна** — Жондор туманидаги 2-ихтисослашган иқтидорли болалар мактаб-интернатининг инглиз тили ўқитувчиси, Бухоро вилояти

**Алижонов Маҳмуджон** — Бешариқ туманидаги 2-ихтисослашган мактаб-интернатининг физика фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**Атаджанов Толиб Ғафурович** — Қўқон политехника касб-ҳунар коллежининг ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари, Фарғона вилояти

**Аҳмедова Сурайё Икромовна** — Зангиота туман қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежининг ахборот-ресурс маркази раҳбари, Тошкент вилояти

**Бобоев Абдураҳмон Ҳамроқулович** — Самарқанд давлат университети қошидаги 1-академик лицейнинг физика-астрономия фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**Бегматова Юлдузхон Жамиловна** — Балиқчи туманидаги 50-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили ўқитувчиси, Андижон вилояти

**Бекчанов Зокир Камолович** — Элликқалъа туманидаги 2-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Бозарова Жамила Ҳайдаровна** — Ғузор туманидаги 17-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**Бутакова Ирина Николаевна** — Ҳамза туманидаги 145-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Жабборова Робия Арамовна** — Қарши туманидаги 12-умумий ўрта таълим мактабининг физика-астрономия фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**Диванова Зулайхо Салиховна** — Урганч давлат университети қошидаги 2-сон академик лицейининг математика фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

**Ережепова Салима Жалиевна** — Қорақалпоқ давлат университети қошидаги 1-сон академик лицейининг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси

**Иброҳимова Гулчеҳра Хусановна** — Бувайда агросаноат касб-ҳунар коллежининг математика фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**Исламова Зарифа Қаршибоевна** — Янгиер педагогика коллежининг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

**Исроилова Бўритош Наврўзовна** — Қўшработ туманидаги 55-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**Каримова Дильбар Тошпўлатовна** — Тошкент педагогика коллежининг педагогика ва психология кафедраси услубчиси, Тошкент шаҳри

**Кулмирзаев Суннат Мусурманкулович** — Ангор туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактабининг чизмачилик ва тасвирий санъат фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**Мадраҳимов Султонбой Қурбонович** — Бўз туманидаги 13-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Андижон вилояти

**Мамадалиева Марҳабатхон** — Улуғнор туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Андижон вилояти

**Матёқубов Комилжон** — Боғот туманидаги 3-ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг кимё-биология фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

**Машарипов Равшан Одинаевич** — Ҳазорасп педагогика касб-ҳунар коллежининг жисмоний тарбия ўқитувчиси, Хоразм вилояти

**Маҳмудов Абдураҳмон Баҳшуллоевич** — Вобкент туманидаги 21-умумий ўрта таълим мактабининг чизмачилик ва тасвирий санъат фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

**Мурадов Фахритдин Узоқович** — «Навбаҳор» қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи услубчиси, Сирдарё вилояти

**Назарова Флора Нурматовна** — Чилонзор туманидаги 66-махсус меҳнат таълими (ёрдамчи) мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Нам Любовь Трофимовна** — Гулистон қурилиш касб-ҳунар коллежининг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

**Норкулова Зулхумор Рўзиевна** — Навоий давлат педагогика институти қошидаги академик лицейнинг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси

**Нормирзаева Дилором Кенжаевна** — Самарқанд шаҳридаги 10-Меҳрибонлик уйи мактабининг оммавий ишлар бўйича ташкилотчиси, Самарқанд вилояти

**Низамова Саида Адиловна** — Собир Раҳимов туманидаги 28-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Нурмуҳамедов Маҳамадхўжа** — Хонобод шаҳридаги 8-болалар мусиқа ва санъат мактабининг ўқитувчиси, Андижон вилояти

**Нуруллаев Саламат Абатович** — Тахиатош шаҳридаги ихтисослаштирилган «Олимпия захиралари» болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мураббийси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Отарбаев Азатбай Узакбаевич** — Нукус маданият ва санъат коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Парпиев Қодирали Махсудалиевич** - Тўрақўрғон тумани Хўжанд саноат-транспорт ва алоқа касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Наманган вилояти

**Расулова Олия Жўрақуловна** — Конимех туманидаги 7-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

**Раҳимов Комилжон** — Наманган давлат университети қошидаги 2-академик лицейнинг математика фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

**Рўзиева Латифа Қўйлиевна** - Шаҳрисабз туманидаги болалар мусиқа ва санъат мактаби директорининг ўринбосари, Қашқадарё вилояти

**Содиқов Ҳикмат Исокович** — 5-махсус «Олимпия захиралари» болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори, Бухоро вилояти

**Саимова Муҳаббат Нортожиевна** — Муборак туманидаги 7-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

**Саломова Зулойҳа Раҳматовна** — Хатирчи туманидаги 10-умумий ўрта таълим мактабининг француз тили ўқитувчиси, Навоий вилояти

**Салимов Даврон Нишонович** — Зафаробод туманидаги 8-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Жиззах вилояти

**Санақулова Дилором Шерановна** — Булунғур қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

**Сулайманов Сейран Сидиқович** — Хўжаобод туманидаги 2-умумий ўрта таълим мактабининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

**Тиллабоев Абдумалик Раҳимжонович** — Паркент туманидаги 26-умумий ўрта таълим мактабининг мусиқа фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**Тожибоева Шаҳзода Ҳабибуллаевна** — Марғилон енгил саноат касб-ҳунар коллежининг физика фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**Тубаева Гульбану Алиаскаровна** — Томди туманидаги 7-умумий ўрта таълим мактабининг қозоқ тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

**Тўхтабоев Мамажон** — Наманган шаҳридаги 1-ихтисослашган мактаб-интернатининг математика ва информатика фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

**Умерова София Аблякимовна** — Риштон туманидаги 44-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**Фазилова Сурайё Абдуғаниевна** — Янгийўл шаҳридаги 15-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**Ҳайдарова Инобот Сувонкуловна** — Олмалиқ саноат касб-ҳунар коллежининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**Ҳасанова Ҳабиба Абдусаматовна** — Оҳангарон шаҳар маиший хизмат касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**Хидиров Худойкул Ярикулович** — Хатирчи уй-жой коммунал хўжалиги касб-ҳунар коллежи жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

**Худойбергенов Рустам Раҳмонович** — Беруний туманидаги 38-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Худойбердиева Гулбаҳор Абдураҳмановна** — Жарқўрғон туманидаги 21-умумий ўрта таълим мактабининг география ва биология фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**Худойбердиев Шодиёр Маматиллаевич** — Самарқанд давлат чет тиллар институти қошидаги академик лицейнинг физика ва астрономия фани ўқитувчиси

**Чоршамиев Ҳасан Оманович** — Олтинсой туманидаги 13-умумий ўрта таълим мактабининг тарих фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**Шерматова Зилолахон Мусалламовна** — Фарғона давлат университети қошидаги Фарғона академик лицейининг кимё фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

**Шерматова Раъно Мажидовна** — Денов хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежининг ахборот ресурс маркази раҳбари, Сурхондарё вилояти

**Шерназарова Бувахажар Болбековна** — Қибрай туманидаги Чингелди маиший хизмат касб-ҳунар коллежининг тарих фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

**Эшкурбонов Бозор Рўзиевич** — Бойсун туманидаги 45-умумий ўрта таълим мактабининг география фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**Юнусова Раҳимахон Тоҳировна** — Уйчи туманидаги 8-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси, Наманган вилояти

**Юсупова Ҳалима Юсуповна** — Шаҳрисабз туманидаги 92-умумий ўрта таълим мактабининг амалиётчи психологи, Қашқадарё вилояти

**Қозоқова Гўзал Мамасолиевна** — Фориш туманидаги 12-умумий ўрта таълим мактабининг мусиқа фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

**Қурбонов Сайидаҳмад Сайидбердиевич** — Термиз банк коллежининг иқтисодиёт асослари фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2008 йил 29 сентябр

# ТАЪЗИМ СИЗГА, УСТОЗЛАР!

*(Боши 1-бетда)*



Ватанимизнинг тараққиёт йўлида, жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузи ва обрўсининг тобора юксалишида, ҳаётимизнинг барча йўналишларидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш, жамиятимизни янгилашда ёш авлод таълим-тарбияси муҳим ўрин тутади. Шу боис юртимизда таълим тизимини тубдан ислоҳ этиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланди. Соҳага изчиллик билан татбиқ этилаётган «Таълим тўғрисида»ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури жаҳон андозалари даражасида таълим даргоҳларини барпо этиш, мавжудларини қайта реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, замонавий ўқув-лаборатория ускуналари, жиҳозлар, компютер техникаси билан таъминлаш имконини бермоқда.

Таълимда изчиллик билан олиб борилаётган ислоҳотлар уни сифат ва мазмун жиҳатдан янада юксалтириш, янги, янада юқори поғонага олиб чиқиш билан бевосита боғлиқдир. Бу масъулиятли жараёнда эса ўқитувчиларнинг касб малака ва маҳорати, билимини ошириш ғоят катта аҳамиятга эга. Шу боис таълим тизимининг барча бўғинларида олиб борилаётган ислоҳотларда мактабгача, умумий, ўрта махсус, касб-ҳунар, олий таълим тизими педагог кадрларининг меҳнатини қадрлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, моддий ва маънавий рағбатлантириш, касбий маҳоратини янада оширишдек долзарб масала давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида.

Бугунги кунда ўсиб келаётган авлодни пухта ва мукаммал билим баробарида Ватан тақдири учун дахлдор, фидойи, миллий қадриятларимиз руҳида тарбиялаш масаласи тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу боис мамлакатимиз раҳбари ташаббуси билан эълон қилинган Ёшлар йилида таълим соҳасидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва такомиллаштириш, ўқитувчи ва мураббийлар касбини эъзозлаш, ёш ўқитувчиларга ҳар томонлама мадад кўрсатиш борасидаги эзгу ишлар кўлами тобора кенгаймоқда.

Бундай эътибор ва ғамхўрлик таълимнинг барча бўғинларида — умумий, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим тизимларида ўзининг яққол ифодасини топмоқда. Айни пайтда, таълим-тарбия сифатини оширишда барча тизим педагоглари меҳнатини рағбатлантиришнинг янги, самарали механизмини жорий этишда, ёшларга билим бериш ва маънавиятини юксалтиришда, иқтисодиёт тармоқлари учун малакали мутахассислар тайёрлашда ўқитувчиларнинг масъулиятини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

— Мен салкам қирқ йилдан буён ўқитувчилик қилиб келаман, — дейди Ўзбекистон Қаҳрамони, Хоразм вилоятининг Гурлан туманидаги 5-умумтаълим мактаби директори Анорхон Маҳмудова. — Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан истиқлол йилларида таълим-тарбия соҳасига давлат сиёсатининг муҳим йўналиши сифатида эътибор қаратилаётир. Бунинг натижаси ўлароқ, ўқитувчилик касби янада юксак шараф ва эъзоз, қадр-қиммат топмоқда. Бугун замоннинг ўзи ёшларга нафақат чуқур билим беришни, балки уларнинг қалби ва онгига энг эзгу ғояларни жо этишни, миллий манфаатларимизга ёт мафкуравий ғоя ва таъсирлардан ҳимоялашни талаб этмоқда. Педагогларга кўрсатилаётган ғамхўрлик бизни янада фидойироқ бўлишга, навқирон авлодга билим бериш, уни тарбиялашдек улуғвор ишга катта масъулият билан ёндошишга, изланишга ундайди.

— Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар туфайли таълим тизимининг мутлақо янги бўғини — ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимига асос солинди, — дейди Республика рассомлик коллежи ўқитувчиси, Ўзбекистон Республикаси халқ устаси Фасиҳиддин Дадамуҳамедов. — Юртимизнинг турли ҳудудларидаги коллежларда ижтимоий-иқтисодий соҳалар бўйича кўплаб йўналишларда мутахассислар тайёрланмоқда. Ёшларнинг қизиқиши, орзу-интилишларини инобатга олган ҳолда касб-ҳунарга йўналтирилмоқда. Биз, педагоглар, педагог-муҳандисларнинг меҳнатимизни рағбатлантириш масаласи давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида. Президентимизнинг 2008 йил 30 июлда қабул қилинган «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимларини моддий рағбатлантиришни кучайтириш ва улар меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бунинг яна бир ёрқин далилидир.

Ушбу умумхалқ байрами арафасида «2008 йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танлови якунланди.

Йиғилишда Республика миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази раҳбари, педагогика фанлари доктори Муҳаммаджон Қуронов, пойтахтимиздаги 206-боғча-мактаб ўқитувчиси, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг педагогик грант совриндори Замира Азимбоева, Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Раъно Ярашева Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёш авлодни пухта билимли, жисмонан соғлом, юксак маънавий фазилатлар соҳиби этиб тарбиялаш барча жабҳаларда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотларнинг пировард мақсади эканини алоҳида таъкидладилар. Соҳа ходимларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш борасида кўрсатаётган доимий эътибори ва ғамхўрлиги учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирдилар.

Тадбирда санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг катта байрам концерти намойиш этилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси И.Собиров, Қонунчилик палатаси Спикери Д.Тошмуҳамедова, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев, Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев иштирок этди.

**Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири**

***Кенг ва шинам синфхона. Гоҳо сукунатни хаттахтага урилган бўрнинг овози бузади. Ўқувчилар бутун вужуди ила сабоқ тинглашга, мустақил ишни бажаришга киришган. Ғаллаорол туманидаги 3-иқтидорли болалар мактаб-интернатининг олий тоифали ўқитувчиси, «Шуҳрат» медали соҳибаси Ҳадича Худойназарова чорак асрдан зиёдки ёш авлодни камол топтириш йўлида сидқидилдан меҳнат қилиб келмоқда. Бу давр ичида қанчадан-қанча болалар илм сирларини эгалламади дейсиз. Энг муҳими, устоз таълим-тарбиясини олган ўқувчиларнинг аксарияти у орзу қилганидек ақлли, илмга чанқоқ, юрт корига ярайдиган ўғил-қизлар бўлиб камол топишди. Устозга ҳамкасблари ҳам ҳавас қилишади: унинг ўқувчилари ҳар йили вилоят олимпиадасига чиқади. Мисол учун, бултур Сарвиноз Ўлжаева вилоят босқичида биология фанидан ғолиб бўлди. Шунингдек, Шоира Искандарова ва Муниса Олимоваларнинг қўлга киритган ютуқлари ҳам қувонарлидир.***

# Бир касбда чорак аср

— Яхши тушунтирилган дарс тезкорлик билан, ўша оннинг ўзида, қисқа, лўнда ва аниқ жавоб олиш билан ўлчанади, — дейди Х.Худойназарова. — Бу усул ўқувчиларимнинг оғзаки нутқи ўсишига, фикрлаш қобилиятининг ривожланишига самарали таъсир кўрсатади.

Тажрибали муаллим дарсларини асосан ноанъанавий, интерфаол ва тренинг усулида ўтади. Ҳар бир мавзу кўргазмали қуроллар ёрдамида ўқувчи онгига тўлиғича етказилади. Муаллиманинг ютуқларига асос бўлувчи воситалар турли-туман. Фан кабинети дид билан безатилган. Бу ердаги кўргазмали қуроллар, турли стенд, албом ва буклетлар ҳамда мавзуга оид расмлар ва тарқатма материаллар сони мингтадан ошади. Техник воситалар бундан мустасно. У ҳар бир ўқувчининг имкониятига қараб, қобилиятини ҳисобга олган ҳолда вазифалар юклайди, топшириқлар беради. Ўтган ўқув йилида у таълим берган ўқувчиларнинг барчаси аъло ва яхши баҳолар билан ўқув йилини якунлашди.



Устоз ёнма-ён ишлаётган шогирдлари Шавкат Тожибоев, Ҳусан Мамиров, Фахриддин Ҳусановлар ҳақида меҳр билан сўзлайди.

— Ўқитувчи қачонки ўз касбини севса, унга меҳр билан ёндошса, бетўхтов изланса, у албатта кўзлаган мақсадига эргашади, — дейди у. — Шогирдларим ҳам ана шундай жонкуяр инсонлар тоифасидан.

Х.Худойназарова мактаб-интернат касаба уюшма қўмитаси раиси ўринбосари сифатида турли тадбир, кеча ва эрталикларнинг қизиқарли олиб борилишига ўз ҳиссасини қўшиб келади. Илм даргоҳида бирор-бир тадбир йўқки, у бош-қош бўлмаган бўлсин.

Жонкуяр ва зукко одам ҳамиша эл наздида бўлади. Педагогик фаолияти давомида Ҳадича Худойназарова мактаб маъмурияти, вилоят халқ таълими бошқармаси, туман халқ таълими бўлими томонидан бир неча бор тақдирланган. «Шуҳрат» медали эса ўқитувчи меҳнатига берилган юксак баҳодир.

**Абдулла САИДОВ, Жиззах вилояти**

***Суратда: олий тоифали биология муаллимаси Х.Худойназарова***

# Йўли эзгуликка туташ устозлар

## Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси Носирхон АКБАРОВ билан суҳбат

**— Носирхон Асқарович, Ўқитувчилар ва мураббийлар куни ўн икки йилдирки, умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланади. Йўли эзгуликка туташ, қалби шогирдлари камоли учун ҳамиша уйғоқ ва мунаввар бу фидойи зотларни ҳар қанча эъзозласак ҳам оз. Қутлуғ байрам арафасида кўнглингиздан қандай ўйлар кечмоқда?**

— Аввалambор айтиш лозимки, дунёдаги ҳеч бир давлатда таълимга бизчалик шароит яратиб берилмаган. Олий ҳакам — вақт тасдиқлаб тургранидек, мустақиллик даврида ўқитувчи деган муқаддас ном шарафларга буркanди. Президентимиз ташаббуси билан маърифат аҳлининг меҳнати моддий рағбатлантирилиб, уларга ҳақ тўлашнинг сифат жиҳатдан мутлақо янгича усуллари жорий этилди. Барча мактаб ҳамда ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими тизимида изланувчан, меҳнатда ўрнак кўрсатган ходимларни рағбатлантиришга қаратилган директор жамғармалари тузилди. Соҳа ходимларининг касб байрамлари арафасида кўплаб фаол, ташаббускор, изланувчан педагоглар давлатимизнинг фахрий унвонлари, юксак орден ва медаллари билан тақдирланмоқда. Буларнинг бари ёш авлод қалби ва онгига билим билан бирга истиқлол ғояларини чуқур сингдираётган азиз ўқитувчи ҳамда мураббийларга кўрсатилаётган юксак эҳтиром ифодасидир.

**— Ўқитувчи нафақат болаларга, балки бутун жамиятга, барча инсонлар қалбига ҳам муаллимдир. У Ватан истиқлоли ва истиқболи тарбиячиси. Ана шундай шарафли касб эгаларининг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш эса тармоқ Марказий кенгашининг эзгу мақсади ҳисобланади.**

— Бизга нафақат билим, айни пайтда одамийликдан сабоқ берган устозлар олдида ҳамиша қарздормиз. Қалбимизга эзгулик ниҳолларини экан устозларимиз ҳақини, Алишер Навоий ҳазратлари лутф этганларидек, ҳеч қандай ганж — хазина, бойлик билан ўлчаб бўлмайди. Биз ана шундай ҳар бир бола қалбини бир дунё деб билган фидойи зотларга хизмат қилаётганимиздан беҳад мамнунмиз. Айни кунда тармоқ касаба уюшмамиз сафида 1 миллион 800 минг нафардан ортиқ аъзо бўлиб, олий таълим муассасаларида 22 мингдан зиёд профессор-ўқитувчи, ўрта махсус, касб-ҳунар таълимида 73 минг 700 нафардан ортиқ, мактабларда эса 450 мингдан зиёд педагог-ходимлар меҳнат қилишади.

Ҳозирги кунда 3 та республика миқёсида тармоқ келишуви, 26 та вилоят миқёсида, 201 та туман ва шаҳар миқёсидаги жамоа келишувлари, бошланғич ташкилотларда эса 4089 та жамоа шартномалари тузилган бўлиб, уларда таълим тизимини тубдан янгилаш, замонавий ўқув технологияларини жорий қилиш, педагог кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш, илмий муассасалар фаолиятини замон талаблари даражасида йўлга қўйиш бўйича ҳамкорликда фаолият олиб бориш ҳамда тармоқ ходимлари, талаба-ўқувчилар ва нафақахўрларни ҳар томонлама муҳофазалашни кучайтириш ўз аксини топган.

«Ёшлар йили» Давлат дастури ҳамда жамоа келишуви ва шартномалари асосида ушбу эзгу ишларга қўшимча талаба-ёшлар, ёш мутахассис кадрлар, эндигина оила қурган педагогларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга эътибор қаратилди. Жумладан, кам таъминланган ёш оила вакилларидан 11335 кишига 240105 минг сўмлик моддий ёрдам берилди. Шундан 127646 минг сўми касаба уюшмалари маблағидир. Бундан ташқари, 20 та янги оилага уй-жой қурилиши ва бошқа эҳтиёжлар учун фоизсиз ссудалар берилди. 367 нафар ёш аёлларга бериладиган туғишгача ва туғишдан кейинги таътил кунини узайтириш учун 12318480 минг сўм сарфланди. Тармоқ ходимларининг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ўтган йилда қонунчиликни тарғиб қилишга оид 107 та семинар ва давра суҳбати уюштирилди, 246 та таълим муассасасига ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди. Бундай мисолларни истаганча давом эттириш мумкин.

**— Ўқитувчи деган шарафли номни сақлаш фақат устоз-муаллимларгагина боғлиқ деб ўйлайсизми?**

— Бугунги ўқитувчи ўз иқтидори, билими, дунёқараши, ҳаёт тарзи, муомаласи, қолаверса, кийиниши, атрофдагиларга муносабати билан ҳам ҳамиша шогирдлари назарида. Бундан ташқари, ўқитувчи нафақат ўз фани, балки ўқувчиларни қизиқтирадиган бошқа соҳаларни, масалан, спорт, мусиқа, интернет хабарларини ҳам яхши тушуниши, керак пайтда улар билан баҳслаша олиши зарур. Республикамизда бундай ўқитувчилар жуда кўп. Бугун уларнинг шогирдлари жаҳон олимпиадаларида шода-шода медаллар билан тақдирланиб, юртимиз номини дунёга ёймоқдалар. Қоракўл туманидаги 1-ихтисослашган иқтидорли болалар мактаб-интернати директори, халқ ўқитувчиси, «Эл-юрт ҳурмати» орденини соҳиби Тўхтамурод Жумаев ана шундай таълим фидойиларидан. У раҳбарлик қилаётган мактаб ўқувчиларининг аксарияти олий ўқув юртларига бюджет асосида ўқишга киришдан ташқари, ҳар йили жаҳон олимпиадасидан медал олиб қайтишади. Денов туманидаги 1-мактаб директори Хосият Қораева ҳам давр кишисига хос тадбиркорлиги ва саъй-ҳаракатлари билан бюджетдан ташқари маблағ ҳисобидан иқтидорли, кам таъминланган, аълочи ўқувчилар учун стипендия ва изланувчан, билимдон ўқитувчилар учун устама пуллари беришни йўлга қўйган. Чортоқ туманидаги педагогика коллежи директори Зокиржон Раҳимовнинг эзгу ишлари янада олқишга сазовор. Бюджетдан ташқари топилган маблағ ҳисобидан у ходимларни ва ўқувчиларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида ойлик маошларига қўшимча маблағлар ажратди. Унинг коллежида ўқиган талабалар бошқалардан фарқли ўлароқ стипендия билан таъминланган.



Шуларни кўриб-билиб бир четда томошабин бўлиб туриб бўлармикан?!

**— Ёшлар йили муносабати билан илм-тафаккур дунёсига кириб келаётган истеъдодли кадрларнинг манфаатлари қандай ҳимояланмоқда?**

— Жамиятнинг маънавият даражаси унинг истеъдод эгалари, бир сўз билан айтганда, қобилиятли ва уқувли шахслари қай даражада қадрланиши, ғамхўрлик кўрсатилиши, камол топиши учун шарт-шароитлар таъминлаб берилиши билан белгиланади. Агар 2006-2007 ўқув йилида тармоққа қарашли олий ўқув муассасаларида таълим олаётган 80 нафар кам таъминланган, иқтидорли жамоатчи талабалар учун Марказий кенгашнинг, 146 нафар олий ва ўрта махсус таълим ўқув юртлари талаба-ўқувчилари учун ҳудудий кенгашларнинг устама стипендиялари, 2007-2008 ўқув йилида эса 102 нафар олий таълим муассасалари, 3 нафар Ўзбекистон Фанлар академияси аспирантига Марказий кенгашнинг, 40 нафар олий ва 260 нафар ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими талаба-ўқувчилари учун ҳудудий кенгашларнинг стипендиялари жорий этилди. Мамлакатимиздаги аксарият илм-маърифат соҳиблари, олимларнинг бошини қовуштирадиган мўътабар даргоҳ ЎзРФА билан республикамиздаги илм-фан муассасаларида илмий изланишлар олиб бораётган ёш олимларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг тадқиқотларини юзага чиқариш мақсадида ҳамда Маъмун академиясининг 1000 йиллиги муносабати билан Урганч давлат университетида ёш олимларнинг халқаро илмий конференцияси ўтказилган эди. Унда 500 нафарга яқин ёш олимлар ўз илмий ишлари бўйича тезислари билан қатнашдилар. Улар Марказий кенгашимиз томонидан алоҳида тўплам сифатида нашр этилди.

Ёшлар йили муносабати билан яна бир хайрли ишга қўл урдик.

ЎзРФА ва унинг Самарқанд бўлими ҳамда Ёш олимлар миллий жамияти билан ҳамкорликда «Табиий фанларнинг долзарб муаммолари» мавзуида Самарқандда ёш олимларнинг илмий-амалий конференциясини ўтказдик. Унда 250 нафар ёш олим ўз илмий тадқиқотлари билан қатнашди. Улар шўъбаларга бўлиниб, физика-математика ва техника ҳамда кимё, биология фанлари бўйича ўзаро фикрлашдилар. Анжуман ишида фаол қатнашган ёш олимларга Марказий кенгашнинг эсдалик совғалари топширилди. Айниқса, иштирокчиларнинг илмий мақолалари кенгашимиз ҳомийлигида тўплам сифатида чоп этилиши ёш олимлар учун катта совға ва ўзига хос рағбат бўлди. Марказий кенгаш тавсияси билан Самарқанд давлат университети ректори билан келишган ҳолда олийгоҳнинг ёш олимлари учун қатор имконият ва имтиёзлар амалга ошириладиган бўлди. Кези келганда, Тошкент шаҳрида таҳсил олаётган олий ўқув юртлари талабалари учун барпо этилган Маънавият ва маърифат марказининг қурилиши учун Марказий кенгаш ҳисобидан 25 миллион сўм ажратилганлигини таъкидлашни истардим.

**— Тизимда хорижий ҳамкорлик қандай йўлга қўйилган?**

— Бир ҳафта олдин ЎзКУФК ўқув марказида тармоқ ходимлари Марказий кенгашимизнинг Халқаро таълим ташкилоти (Education International) билан ҳамкорликда ўтказган «Миллий режалаштириш» мавзуидаги семинари шу йўналишдаги ишларимизни ривожлантиришга бағишланди. Ушбу нуфузли ташкилот ўқитувчиларнинг энг йирик уюшмаси ҳисобланиб, 1993 йилда ташкил этилган. Ҳозирги даврда ушбу ташкилот 177 мамлакатдаги 313 миллий ташкилотни бирлаштириб, 30 миллиондан ортиқ аъзоларига эга. Ана шу халқаро ташкилот билан ўтган анжуманда Осиё ва Тинч океани ҳудудидаги бош координаторлари Алайисус Метюс, Рей Долат, Карих Маргарита иштирок этиб, 3 кун давом этган семинар машғулотларида 40 нафар тармоқ кенгаши раислари, мутахассислар ва фаоллар ўзаро фикр алмашишди. Анжуман иштирокчиларининг таълим тизими ривожланишига доир тренингларда тузган дастурларини ХТТ вакиллари юқори баҳолади. Хорижий сафарларимиз эса биздаги имкониятларнинг кенглиги ва ишларимиз салмоғини белгилашда, дунёга юз тутишимизга имкон яратади.

**— Тармоқ касаба уюшма аъзоларининг дам олиши ва саломатлигини тиклаш учун қандай ишлар амалга оширилмоқда?**

— Бу ҳақда соатлаб гапириш мумкин. Мухтасар айтганда, жорий йилнинг ўтган даврида 16074 нафар тармоқ ходимларининг дам олиши ва саломатлигини тиклаши учун касаба уюшмаси ҳисобидан 18 миллион сўм сарфланди. Шунингдек, Ёшлар йили муносабати билан мавсумда тармоққа қарашли шаҳар ташқарисидаги 31 та оромгоҳда 12500 нафар ўрнига 13535 нафар бола ёзги таътилда дам олдирилди. Шундан 33,8 фоизи кам таъминланган, кўп болали оила фарзандлари, ногирон ва Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларидир. Ўтган йили коллеж ва мактаблар қошидаги кундузги оромгоҳларда 70289 нафар бола соғломлаштирилган бўлса, жорий йилда улар сони 83332 нафарга етди. Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида таҳсил олаётган талаба-ёшлар санаторий ва санаторий-профилакторийларда Марказий кенгаш томонидан соғломлаштирилди.

Устозларни ҳам унутганимиз йўқ. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими ходимларидан 200 нафари шу санаторийда халқ таълими ходимларининг 7-республика спартакиадаси мусобақаларига қатнашиш билан бирга бир ҳафта мириқиб дам олиб, соғлигини тиклашди.

Мана бир неча кундирки, касаба уюшмалари ташаббуси ва бевосита ҳомийлигида Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳрида, барча олий ўқув юртлари, касб-ҳунар коллежи, академик лицей ва мактабларда турли тадбирлар, учрашувлар, байрам тантаналари ўтказилмоқда. Уларда фидойи зотлар, соҳа ходимлари шарафланиб, меҳнатлари муносиб баҳоланмоқда. Бу эса улар ҳаётида ёрқин из қолдириб, меҳридарё устоз-муаллимлар кучига-куч қўшиб, эртанги кунга ишонч туйғуларини мустаҳкамлайди.

**Суҳбатдош:**
**Амина ҚОДИРОВА,**
**«Ishonch» мухбири**

# Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши







**Халқимизнинг эзгу орзуси бўлмиш баркамол авлодни тарбиялашдек заҳматли ва эзгу ишга ҳаётини бағишлаган — меҳридарё, фидойи ва олиҳиммат муаллимларни, йўли эзгуликка туташ барча устоз ва мураббийларни ҳамда халқ таълими тизимида фидокорона меҳнат қилаётган соҳа ходимларини умумхалқ байрами — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни билан муборакбод этади.**

**Барчангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, хонадонларингизга файзу барака тилайди.**

**Фарзанд ва шогирдларингиз камолини кўриш доимо сизларга насиб этсин, азиз устозлар!**

**Умрингиз маърифат нуридек ёруғ ва безавол бўлсин.**

***Муаллим ҳақида сўзим ушбудир,***
***Муаллим камолот ичра кўзгудир.***
***Ўқидим Геродот тарихин кўп бор,***
***Форобий, Дантени такрор ва такрор.***
***Барини ўқидим, лол қолди ақлим,***
***Барига устозсан ўзинг, муаллим.***



## Давр билан ҳамнафас

***Педагогик ва илмий фаолият борасида муайян ютуқларга эришган, юксак ижодий салоҳият ва қобилият соҳиблари бўлган истиқболли ёш педагог ва илмий кадрларнинг истеъдодини ривожлантириш, уларнинг хорижий давлатларда малакасини ошириш борасида «Истеъдод» жамғармаси томонидан бир қанча амалий ишлар қилинмоқда.***

# Таълим тараққиёти йўлида



Жамғарма ҳар йили иқтидорли ёш педагог ва илмий ходимларни ривожланган мамлакатларнинг етук университет ва илмий марказларига малака ошириш ва тажриба алмашишга юбориш мақсадида грантлар бўйича танлов уюштиради. Шу пайтгача 4 маротаба танлов эълон қилиниб, 837 нафар профессор-ўқитувчи совриндор деб топилган. Ҳозирги кунга қадар улардан 672 нафари дунёнинг нуфузли таълим муассасаларида янги педагогик технологиялар, ахборот технологиялари, ижтимоий-гуманитар, иқтисодиёт ва муҳандислик фанлари йўналишлари бўйича 2-4 ҳафталик малака ошириш курсларида иштирок этиш имкониятига эга бўлдилар. Бу борада Кембридж университети, Вестминстер университети (Буюк Британия), Массачусетс технология университети (АҚШ), Магдебург университети, Фрайберг техника университети (Германия), Малага университети (Испания), Архус техника коллежи (Дания), Гент университети, Лувен университети (Белгия), Лог-Ман академияси (Болгария) каби машҳур ўқув даргоҳларини тилга олиш мумкин.

Грант совриндорлари малака ошириш даврида ушбу таълим муассасасининг ўқув дастурларини, таълим стандартлари, кутубхона фондидаги мавжуд адабиётлар, ўқув воситалари, хусусан, янги инновацион технологияларни ўрганмоқдалар. Илғор тажрибаларни таҳлил қилиш ва таълим тизимида қўллаш бўйича 100 дан ортиқ семинарлар ташкил қилиниб, 50 дан зиёд ўқув-методик қўлланмалар ва 400 га яқин илмий мақолалар нашр қилинди.

Жамғарма ташкил топган пайтдан бошлаб, унинг базасида Масофали ўқитиш маркази фаолият юритиб келади. Шу муносабат билан ҳар йили олий таълим муассасалари, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ва умумий ўрта таълим мактабларининг истиқболли ёш педагог ва илмий кадрларининг малакалари ошириб борилмоқда. Улар дунёнинг етакчи олий ўқув юртлари, хусусан, Москва давлат университети, АҚШнинг Гарвард университети, Буюк Британиянинг Херриотт-ВАТТ университети қошидаги Эдинбург бизнес мактаби каби таълим муассасаларининг масофали ўқитиш курсларида магистрлик диплом ва сертификатларига эга бўлмоқдалар.

Бундан ташқари, масофали ўқиш орқали Россиянинг ахборот жамиятини ривожлантириш ва Москва давлат электроника - математика институтларининг курсларида 60 нафар информатика ҳамда ахборот технологиялари соҳаси ёш иқтидорли профессор-ўқитувчилари бир ой мобайнида 72 соатли курсларни муваффақиятли тамомлашди. Россиянинг Ахборот технологияси интернет университетининг курслари бўйича эса 100 га яқин профессор-ўқитувчилар, аспирант ва докторантлар малака оширдилар.



Жамғарманинг интернет сайтида «Ахборот технологиялари ва масофали ўқитиш», «Маънавият ва маърифат», «Инновацион технологиялар» ва «Таълим муассасалари бошқаруви» масофали курсларини иккиланган модел асосида тингловчиларнинг кенг оммасига тақдим этиш ҳам йўлга қўйилган.

— Масофали ўқитиш курсларида Гулистон давлат университети ҳамда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг профессор-ўқитувчилари, айниқса, фаоллик кўрсатмоқдалар, — дейди Масофали ўқитиш маркази директори, педагогика фанлари доктори, профессор Абдуқаҳҳор Абдуқодиров. — Хорижий тингловчиларнинг ҳам ўқишига имкон яратиш мақсадида курсларни рус ва инглиз тилларига таржима қилиш ишлари олиб борилмоқда. Ҳозирда «Ахборот технологиялари ва масофали ўқитиш» курсининг иккита мавзуси таржима қилиниб, порталга жойлаштирилди.

Масофали ўқитиш марказида кундузги мақсадли малака ошириш курслари ҳам ташкил этилган бўлиб, улар 21 та дастур асосида олиб борилади. Шу кунга қадар 7065 нафар (шу жумладан 2008 йилда 1245 нафар) ёш педагог ва илмий кадрларнинг малакалари оширилди. 269 нафар профессор-ўқитувчининг хорижий мамлакатлар таълим муассасалари малака ошириш дастурлари бўйича масофали ўқишлари ташкил этилди.

«Ёшлар йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш борасида жамғарма томонидан амалга оширилаётган ишларни алоҳида эътироф этиш лозим. Хусусан, малака оширишга борувчи гуруҳлар учун семинар-тренинглар ташкил этилди. Малака ошириш курсларида эса «Замонавий педагогик технологиялар» ва «Ахборот технологиялари» йўналишлари бўйича бўйича 60 нафар профессор-ўқитувчи малакаси оширилди. Шунингдек, «Замонавий инновацион технологиялар» бўйича етук профессор-ўқитувчиларни жалб қилган ҳолда Самарқанд олий ҳарбий автомобил қўмондонлик-муҳандислик билим юртининг 20 нафар педагог-кадрлари учун сайёр малака ошириш курси ташкил этилди. Бундан ташқари, Қуролли кучлар академиясининг 40 нафар профессор-ўқитувчиси, Солиқ академиясининг 51 нафар ўқитувчиси, шунингдек, Тошкент давлат шарқшунослик институтининг 60 нафар профессор-ўқитувчилари «Замонавий педагогик ва ахборот технологиялари» йўналишлари бўйича малака оширишди.

Айни пайтда мақсадли малака ошириш курслари тингловчиларини электрон тарқатма материаллар, дарслик ва методик қўлланмалар билан таъминлаш мақсадида электрон кутубхона ташкил қилиш ишлари олиб борилмоқда. Жамғарма порталида масофадан туриб малака ошираётган ёш истиқболли педагог ва илмий кадрлар учун «Масофали ўқитиш тарғибот хонаси»ни яратиш ва ишга тушириш механизми ишлаб чиқилди, шунингдек, уни зарурий ўқув материаллари билан тўлдириш борасида дастлабки тадбирлар амалга оширилмоқда. Белгиланган дастур ва режалар асосида таълим муассасалари педагог ва раҳбар кадрларининг 1245 нафари мақсадли малака ошириш имконига эга бўлиб, эгаллаган илғор тажриба ва билимларини таълим жараёнида қўлламоқда. Хорижий давлатларда малака оширган грант совриндорлари тажрибаси асосида таълим муассасалари ўқув жараёнини такомиллаштириш бўйича амалий ишлар олиб борилаётганлиги ҳам алоҳида таҳсинга лойиқ.

**Шерзод АБДУСАМАДОВ,**
**«Ishonch» мухбири**



## Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши

*Ўқитувчилар ва мураббийлар куни ҳамда муборак айём — Рамазон ҳайити билан тармоқ ходимларини самимий қутлайди. Таълим соҳасида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларни амалга оширишда сира толманг!*





***Тожихон Куролова қарийб 40 йилдан буён пойтахтимиздаги 101-кар-соқовлар махсус мактаб-интернатида она-тили ва адабиёти фанидан сабоқ беради.***

# Машаққатли касб

— Кимдир туғма кар-соқов бўлади, кимдир қандайдир воқеа туфайли ёки бошқа касталиклар асорати натижасида шу ҳолатга тушади, — дейди Тожихон опа. — Сир эмас, уларнинг гапиролмаслиги ва эшитмаслиги дарс ўтиш жараёнини анча мураккаблаштиради. Шунинг учун муаллим нафақат ўзи ўтадиган фанни чуқур билиши, шунингдек, сурдо таржимасида ҳам кучли бўлиши керак. Чунки мулоқот чоғида ўқувчига ҳар бир фикрни мимика орқали тушунтира билишга тўғри келади.

Қайнотам раҳматли, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Тулеген Айдаров ана шу махсус мактабда директорлик қилган ҳамда менинг шу касбга меҳр қўйишимга сабабчи бўлган.

Бу касбни танлаганимга асло афсусланмайман.

**— Муштарийларга бироз дарс жараёнлари ҳақида сўзлаб берсангиз...**

— Дарс чоғида мавзуни теранроқ тушунтириш учун кўплаб кўргазмали қуроллардан фойдаланамиз. Бизда ҳам ўзбек ҳам рус гуруҳлари мавжуд. Ўқув дастури оддий мактабларникидан бироз фарқ қилади, яъни, енгилроқ. Масалан, 9-синф кар-соқов ўқувчиларига 7- синф (соғлом болалар) дарсликлари ўтилади ва ҳоказо. Бизда назарийдан кўра, амалий томондан кўпроқ машғулотларга эътибор берилади. Бундан ташқари, эшитиш қобилиятини ривожлантириш махсус дарси ҳам бўлиб, унда ўқувчиларнинг сукунат оламидан овозли дунё сари қўшилишида кўмаклашилади. Яъни, ўқувчилар гарчи эшитишмаса-да, таржимон ёрдамида куй-қўшиқларни тинглай олишади, улардан лаззат олишади. Байрамларда, тадбирларда рақсларга тушишади, яйрашади. Кар-соқовлар шундай эътиборли бўлишадики, масалан, рақсга тушаётган бўлса, мусиқада узилиш бўлган заҳоти ҳаракатни тўхтатишади. Ўткир зеҳни туфайли омма олдида ноқулай аҳволга тушиб қолишмайди.

Шунингдек, бизда меҳнат дарсларига эътибор ва қизиқиш юқори. Ўғил болаларимиз дурадгорлик, қизлар эса тикувчилик касбининг моҳир устаси бўлиб етишганига кўп гувоҳ бўлганмиз.

### Фидойилар

**— Дарслар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади, деб айтиб ўтдингиз. Гунгларда қўл ҳаракатлари ўзбек ва рус миллати учун ҳам бир хил маънони англатса, уларга тилнинг нима фарқи бор?**

— Тўғри, мимикаларда фарқ йўқ. Бироқ рус йигити ўзбекча газетани тушунмаслиги аниқ-ку. Шунинг учун ҳар бир гуруҳга ўз тилидаги дарсликлари асосида алоҳида дарс ўтилади.

**— Икки оғиз ўзингиз ишлаётган кар-соқовлар махсус мактаби ҳақида ҳам гапириб берсангиз...**

— Мактабимиз илгари республика миқёсида фаолият юритар эди. Айни пайтда эса пойтахтлик ўқувчилар таҳсил олишмоқда. Кар-соқовларни ўқитишдек нозик касбнинг устаси, соҳанинг чин жонкуяри ва фидойиси Шоистахон Аҳмедова мактаб-интернат раҳбари бўлиб, таълим самарадорлигини оширишга, истеъдодли ёшларни камолга етказишга катта ҳисса қўшиб келмоқда.

Ёши улуғ ўқитувчиларимиз Мамлакат Исматиллаева, Манзура Ибрагимова ўз билим ва кўп йиллик тажрибалари билан зиё тарқатишмоқда. Жисмоний тарбия ўқитувчилари Тешавой Каримжонов ва Элмира Легайнинг меҳнатлари самараси ўлароқ, шогирдларимиз бир нечта спорт турларидан нафақат республика, балки халқаро майдонларда муваффақият қозонишмоқда.

Шу ўринда давлатимиз томонидан кўрсатилаётган ғамхўрликни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчи эдим. Ўқувчиларимиз беш маҳал овқатланишади, уларнинг комил инсонлар бўлиб етишиши учун барча шароитлар муҳайё қилинган.

Тожихон опа билан анча суҳбатлашдик. Кар-соқовлар билан ишлаш қанчалик оғир бўлмасин, қалбида меҳр ва касбга садоқат туйғулари у кишини илҳомлантиради. Ўқувчиларининг ютуқларидан қувонади, агар бирортаси дарсга келмай қолса, «нима бўлдийкан» дея хаёли нотинчлик кўчасида безовта кезади.

Муаллима опанинг оиласида ўқитувчилик касбини севишади. Турмуш ўртоғи Темур Айдаров кўп йиллар Ички ишлар вазирлиги академиясида ёшларга сабоқ берган бўлса, қизи Мера Пармонова пойтахтимиздаги 17-мактабда ишлаяпти.

**Акмал АБДИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**



**Устоз дунёдаги энг табаррук зот ҳисобланади. Не-не буюк алломалар, машҳур инсонлар камолотида унинг хизмати бор. Қолаверса, ҳар бир инсон ҳаётни англашни устоздан ўрганади. Шу боис ўқитувчи ва мураббийларни ҳамиша ҳурмат билан тилга оламиз.**

**Ўқитувчилар ҳақида гап кетса, мактабда, институтда сабоқ берган устозларим ёдимга тушади. Уларнинг меҳри тафти ҳамон юрагимдан ўчмаган. Устозларимнинг ғамхўрлиги, доно ўгитлари олдида бутун умр бош эгаман. Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан юртимиздаги барча муаллимларни чин қалбимдан табриклайман.**

**Илҳом ЖАББОРОВ,**
**ҳайкалтарош**

# «Бу касб фидойиликни, заҳматкашликни ёқтиради»



*Бугунги суҳбатдошимиз — жонкуяр ва талабчан устоз, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети «Жаҳон журналистикаси назарияси, амалиёти ва тарихи» кафедрасининг мудири, доцент, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Бойбўта Дўстқораев. Унинг билим ва тарбиясини олган шогирдлари бугунги кунда ўз соҳасининг етук билимдони сифатида Ватан равнақига ҳисса қўшмоқдалар.*

**— Устоз, суҳбатимизни талабалик даврларингизни эслашдан, ўқитувчиларингизни хотирлашдан бошласак...**

— Ҳар бир киши ҳаётда нимага эришган бўлса, энг аввало, ўқитувчилари, устозлари туфайлидир. Ўзим ҳам ўқитувчи бўлганим учунми, мактабда, олий ўқув юртида устозлик қилган инсонларни алоҳида миннатдорлик туйғуси билан эслаб юраман. Қашқадарё вилоятининг Чироқчи туманидаги қишлоқ мактабини битирганман. 1949 йили 1-синфга борганман. Оғир кунлар эди, шунга қарамай, ўқитувчилар — уларнинг кўплари бу фоний дунёдан ўтиб кетишди, жойлари жаннатда бўлсин — болаларга хат-савод ўргатиш, билим бериш учун бутун куч-ғайратларини, меҳнатларини аяшмасди. Уйларидаги ночор аҳволни ўйлашмас, фикри-хаёллари дарсда, мактабда бўларди. Ана шуларни фидокор кишилар, чинакам қаҳрамонлар деса арзийди. Мактабни тугатгач, ТошДУ, ҳозирги ЎзМУнинг филология факултетига ўқишга кирганман...

**— Кечирасиз, домла, журналистика факултетини битирмаганмисиз?**

— Йўқ. Филология йўналишида ўқиганман. У вақтлар журналистика филология факултетининг бўлими эди, холос. Жуда кўп фанларни бирга ўқирдик. Учинчи курсга борганда, қўшимча равишда ноширлар гуруҳи ташкил қилинди. Шунда айрим курсдошларимиз ана шу гуруҳга, журналистикага ўтиб кетишди. Мен ҳам ўтсаммикан, деб ўйлангандим, аммо фикримдан қайтдим. Сабабини энди айтса бўлар, филологик йўналишда журналистикага қараганда кучлироқ домлалар дарс беришарди. Шу устозларнинг маърузаларидан бебаҳра қолгим келмади. Ахир, ўзингиз ўйланг-а, Озод Шарафиддинов, Ғулом Каримов, Лазиз Қаюмов, Субутой Долимов, Аюб Ғуломов, Шавкат Раҳматуллаев, Умарали Норматов, Мера Марковна Саксонова каби атоқли, моҳир устозларнинг дарсларини кимнинг кўзи қиярди?! Ўйлашимча, улар фақат устозлик қилиш учунгина дунёга келгандек. Қизиғи шундаки, филологияни битирдиму, тақдир экан, мана, деярли қирқ йил бўлди, журналистика факултетида ишлаб келяпман.

**— Устозларингиз ҳақида ниҳоятда фахрланиб гапирдингиз. Уларнинг ҳайратангиз маҳоратлари ҳақида ўзингиз гувоҳ бўлган биронта мисолни келтира оласизми?**

— Биз учинчи курсда эканимизда Субутой домла Долимов аруз вазни сир-синоатлари билан таништирганлар. Домла аруз вазни нималигини тушунтиргач, бу вазндаги шеърларни тўғри ўқишни ўргатишга киришдилар. Дастлаб ўзлари Муқимийнинг «Ароба» деган шеърини бир-икки бор ўқиб кўрсатдилар.

Сўнг бизларга хор бўлиб, яъни ёппасига қайтаринглар, дедилар. Биз бир неча марта такрорладик ва аруз вазнида ўқишни жуда осонгина ўзлаштириб олдик. Агар ҳар бир талаба алоҳида-алоҳида ўқиганда, бунчалик тез ўрганмаган бўлардик.

**— Йиллар, тажрибалар... Инсонга ҳамма нарсани ўргатиб бораверади. Касбингизга бахшида умрингиз давомида қандай хулосаларга келдингиз? Яъни Сизнинг назарингизда, Устоз — бу...**

— Устоз — бу қадимдан улуғлаб, эъзозлаб келинадиган инсон. Сабаби, улар инсоннинг руҳий дунёсини, маънавиятини, дунёқарашини шакллантирадиган, тўғри йўлга солиб юборадиган раҳнамолардир. Демак, улар, тимсолли қилиб айтганда, «одам» деган ёғочдан инсонликни «йўнадиган» сиймолардир. Шу боис устознинг қандайлиги, шахси жуда катта аҳамиятга эга. Ўқитувчиликдек масъулиятли соҳага муносиб, уни уддалай оладиган кишиларнигина ушбу касб учун танлаб олиш лозим. «Мулланинг айтганини қил, қилганини қилма» деган нақл бор. Ҳозир бу тушунча эскирди. Мулла, яъни устоз, билим берадиган шахс, у ҳам айтгани билан, ҳам ўзининг феъл-атвори, амаллари билан таълим ва тарбия бераётган авлодга, ўсиб келаётган ёш бўғинга ибрат бўлмоғи лозим.

Энди, саволларингизнинг бошқа қисмларига келсак... Ҳар бир киши, жумладан ўқитувчи ҳам йиллар давомида тажриба орттиради, натижада кимларгадир асқотадиган фикрларга, хулосаларга келади. Мен йиллар давомида шундай бир хулосага келдимки, ўқитувчиликка чинакамига меҳр қўйган одамларгина, «Устозлик барча касбдан устун» деган тушунчада собитқадам турувчи, сабр-қаноатли инсонларгина шу соҳанинг чинакам ўз кишилари бўлиб қола олади. Яна бир нарсани айтишни истардим: ҳозирги пайтда — илм-фан, техника беҳад тараққий қилган, ахборот воситалари мисли кўрилмаган суръат билан ривожланиб бораётган бир замонда — жуда билимдон, истеъдодли ўқитувчи ҳам ўзига танқидий ёндаша олмоғи лозим. Бугун ҳатто айрим профессор билмаган нарсани оддий талабанинг билиши таажжублантирмаслиги керак. Негаки, интернет тизимининг юзага келиши инсонларнинг ахборот олиш имкониятларини чексиз кенгайтириб юборди.

**— Энг яқин шогирдларингиз ҳақида тўхталсангиз. Улардан кимлар Сизга ҳамкасб бўлишди?**

— «Энг яқин шогирдим» деб ҳисоблайдиган инсонлар жуда кўп. Уларнинг аксарияти амалиётда, яъни оммавий ахборот воситаларида, турли миқёсдаги масъулиятли лавозимларда ишлашади. Уларнинг муваффақиятларини кўриб беҳад қувонаман. Баъзи шогирдларим ёнимга кириб, менга касбдош бўлишган. Энг аввало, «Маърифат» газетасининг бош муҳаррири Ҳалим Саидовни айтгим келади. У амалиётда ишлаш билан бирга, халқаро журналистика факултетида дарс ҳам бериб келмоқда. Унинг маърузаларини талабалар жуда севишади. Яна бири Назира Тошпўлатова. Ҳам журналистика соҳасида, ҳам устозлик мақомида катта ютуқларга эришмоқда. Фан номзодлари Нилуфар Намозова, Саида Йўлдошбековалар ҳам икки дарё оби раҳматидан баҳраманд бўлиб келишмоқда. Гулнора Нишонова ЎзМУ журналистика факултетидаги истеъдодли ўқитувчилардан. Шукрки, бундайлар кўпчиликни ташкил қилади.

**— Шогирдларингизда қандай хислатларни кўришни истардингиз?**

— Ҳар бир устоз каби мен ҳам шогирдларим барча яхши хислатларни эгаллаган бўлишса, деб ният қиламан. Барибир, энг аввало, уларнинг ҳақиқий инсон бўлишларини, касбига ҳеч қачон доғ туширмасликларини Яратгандан сўраган бўлардим.

**— Касбингиздан пушаймон бўлган чоғларингиз бўлганми?**

— Қизиқ савол... Ўзим танлаган касбдан пушаймон бўлишим мумкинми? Лекин, «Буни ҳаёт дейдилар» деган гап бор. Бир замонлар, шўролар пайти айрим қишлоқ жойларда мактаб ўқувчилари пахта теримига жалб қилинганда баъзи бир чаласавод бригадирларнинг обрўли, ўз ишининг устаси бўлган ўқитувчиларга юқоридан келиб ўйламай-нетмай паст-баланд гапларни айтганини эшитганимда, тўғриси, дилимда афсус аралаш ўкинишми, пушаймонликми, шунга ўхшаш туйғулар пайдо бўлган. Ўша пайтларда айрим текширувчиларнинг истеъдодли ўқитувчининг меҳнати самарасига қараб баҳо бериш ўрнига қандайдир ҳужжатни ўз вақтида тўлдириб қўймагани учун дашном берганини кўрганимда ҳам юрагимда изтироб пайдо бўларди. Лекин қоғозни яхши кўрувчи, уни инсондан устун қўювчи бюрократларга гап уқтириб бўлармиди? Умуман олганда, танлаган касбимдан ҳеч қачон пушаймон бўлган эмасман.

**— Тажрибали педагог сифатида ёш ҳамкасбларингизга нималарни маслаҳат берасиз?**

— Истардимки, ўқитувчилик, устозлик касбини танладингизми, шунга муносиб бўлинг, бу касб фидойиликни, заҳматкашликни ёқтиради, шуни ҳамиша ёдда тутинг. Дарсга ҳамиша астойдил тайёргарлик кўриб киринг, йўқса, обрўнгизга дарз кетади. Хуллас, шунга ўхшаган «низомномалар»даги нарсаларни маслаҳат берган бўлардим...

Суҳбатимизнинг охирида барча ўқитувчиларни, устозларни касб байрамлари билан чин дилдан табриклашни истардим! Ҳамиша бардам, ҳамиша соғ-омон бўлинг!

**Дилдора РАҲМОНОВА**
**суҳбатлашди**

## Устоз — шогирд ришталари

**Март ойининг бошларида Президентимиз соврини учун «Ташаббус» кўрик-танловининг вилоят босқичида «Энг яхши тадбиркор» йўналиши бўйича Поп туманида фаолият кўрсатаётган ҳунарманд уста-кулол Ваҳобжон Буваев ғолиб чиқиб, республика танловига йўлланма олган эди. Кўрик-танловнинг якуний босқичида ҳам Ваҳобжон муваффақиятли иштирок этди ва қадимий кулолчилик маҳсулотлари билан қатнашиб «Йилнинг энг яхши ҳунарманди» деб топилди. Унга олтин медал, биринчи даражали диплом, кўрик-танлов рамзи туширилган «Пегас» ҳайкалчаси, Президентимиз соврини — «Матиз» автомобили, 2 миллион сўмлик суғурта полиси ва бир миллион сўмлик авиабилет чегирмаси топширилди.**

# Сопол эмас санъат намунаси



## ёки Уста Кўки издошлари

— Бир умрга унутилмайдиган иш бўлди-да, — дейди шу ҳақда гаплашиб ўтирарканмиз Ваҳобжон. — Меҳнатим шунчалик юқори баҳоланади, деб сира ўйламаган эдим.

Ваҳобжоннинг фикри-зикри миллий кулолчилигимизни ривожлантириш, устоз кулоллар усули асосида бу соҳани санъат даражасига кўтариш, ўзбек ҳунармандлари нималарга қодирлигини дунёга намойиш қилиш, шогирдларини шу мақсад сари даъват этишда бўлган.

— Биласизми, ака, — дейди Ваҳобжон, — одам болаликда нимагадир қизиқиб ёки бошқачасига айтганда, ишқи тушиб қолади. Кимдир тўп тепади, кимдир ёғочдан қилич ясайди ёки қоғоздан самолёт ясаб учиради. Мен негадир лойдан ҳар хил нарсалар, турли жонивор, буюмларнинг нусхаларини ясашни хуш кўрардим. Улар бошқаларникидан чиройли ва мустаҳкам чиқарди. Кейинроқ уйимизда тўпланиб турадиган дадамнинг улфатлари суҳбатларидан Уста Кўки деган уста, унинг лойга жон киритиш даражасида маҳоратга эгалиги ҳақида эшитиб, бу соҳага қизиқишим баттар кучайди. Бир куни отам уста кулолникига боришимизни айтди. Ясаган нарсаларимдан уч-тўрт намуна сифатида халтачага солиб олдим. Уларни кўздан кечирган уста елкамга қоқиб қўйди. Уч-тўрт йил кулолнинг тарбиясини олдим. Сўнг уста кулол Мақсуд Туробовдан иш ўргандим.

— Қайси бири чинакамига уста, ўз ишининг пири эди? — сўраймиз суҳбатдошимиздан.

— Бирини иккинчисидан устун қўя олмайман, — саволимизга жавоб қайтаради Ваҳобжон. — Ҳар иккиси ўз ҳунарининг сир-асрорларини пухта эгаллашганди. Ясаган нарсалари бири иккинчисиникидан ўтади. Ҳар иккисининг ўзига хос усуллари бор эди.

Икки юз йил илгари яшаб ўтган ва ҳозирда эртак қаҳрамонларига ўхшаб кетадиган уста Кўки ҳақида сўраймиз.

— Ғурумсарой қишлоғи кулолларининг устози саналган бу уста аслида Тожикистоннинг Ўратепасидан бўлган экан, — дейди В. Буваев. — Ёз ойларидан бирида қишлоғимиз яқинидан оқиб ўтадиган Сирдарё соҳилига жой қилган, шогирдлар чиқарган. Уста оламдан ўтгач, ўғли Усмондиёр отаси ишини давом эттирган. Сўнгра Уста Кенжа ва шу тариқа сулола давом этмоқда.

— Шу кунда уста Ваҳобга етадигани йўқ. Сополга жон киритиб, уни санъат даражасига етказаётир, — дейишди Ғурумсарой қишлоғида бўлганимизда.

— Ростдан ҳам уч-тўрт йилдан бери Эрон, Покистон, Туркия ва қатор мамлакатлардан мен ясаган маҳсулотларга харидорлар чиқяпти, — дейди В.Буваев. — Ёзда Тошкентда ташкил этилган кўргазмада АҚШ, Россия, Англия, ҳатто Канада давлатларидан ҳам харидорлар чиқди.

Айтишларича, Ваҳобжон ясаган буюмларни қуёш нурида томоша қилган америкалик меҳмон:

— Чинакамига санъат намунаси. Шундай мўъжизани оддий лойдан ясашганига ишонгинг келмайди, — дея бош чайқабди.

Қадимий қадриятларимиз, жумладан, ҳунармандчилигимиз булоқларининг қайта кўз очгани рост бўлсин!

**Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,**
**«Ishonch» мухбири**







# Келажагимиз мактабда улғаяди

Юртимизда таълим сифати тубдан ўзгариб бормоқда. Мирзаобод туманидаги ЮНЕСКО ҳомий бўлган 21-умумтаълим мактаби тажрибаси Интернет орқали Форс кўрфази мамлакатларида, хусусан, Қатар таълим-тарбия муассасаларида ўрганилаётганлиги бунга бир мисол.



Эндиликда бу сафга Боёвут, Сирдарё, Гулистон, Янгиер туманлари мактаблари ҳам қўшилди. Ушбу ютуқлар замирида фидойи устоз-мураббийлар меҳнати ётибди. Бугунги кунда вилоят мактабларида салкам 14 минг нафар муаллим ёш авлодга сабоқ бераяпти. Уларнинг меҳнати туфайли таълим тизимида Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Боёвутлик Рустам Жўлбеков Руминияда ўқувчиларнинг математика фани бўйича ўтказилган Халқаро олимпиадасида муваффақиятли қатнашиб, соврин соҳибига айланган бўлса, Халил Жалолов, Баҳодир Орипов ва Шерзод Маматқулов АҚШ, Санжар Раҳимов Германия, Жаҳонгир Усмонов, Одилжон Исфандиёров ва Фарҳод Мелибоев Буюк Британиянинг нуфузли ўқув юртларида таҳсил олиб қайтишди. Фанлар бўйича Республика олимпиадасида боёвутлик 5 нафар ўқувчи биринчи, 1 нафари эса иккинчи ўринни эгаллади.

Информатика бўйича Бекназар Норбоев, биологиядан Вазира Ҳамидова, чизмачиликдан Иззатулло Шоисаев, тарих фанидан Аббос Бобоев, география бўйича Нигора Полвонова Республика фанлар олимпиадаси ғолиблари сифатида олий ўқув юртларига тест синовларисиз қабул қилинди.

Уларнинг муваффақиятида, шубҳасиз, устозлари — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси Ҳасан Ҳайдаров, хизмат кўрсатган халқ таълими ходимлари ва аълочилари Рўзибой Маллаев, Ҳамза Ҳазратқулов, Гулнора Аллабоева, Абдували Расулов сингари педагогларнинг хизмати беқиёс.

— Алломалар ёшликда олинган билимни бежиз тошга битилган нақшга қиёслашмаган, — деди биз билан суҳбатда Б. Норбоевнинг устози Ҳасан Ҳайдаров. — Ўқитувчиларнинг меҳнати шу қадар улуғ эканлигидан, ушбу касб туфайли обрў-эътибор топганимдан фахрланаман.

Ўқитувчилар зиммасидаги ўта масъулиятли вазифани ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди. Зеро, мирзачўллик таълим-тарбия фахрийси, шоир Мирза Қайнарнинг бир шеърида айтилганидек:

***Инсоннинг тилаги бахт-саодатдир,***
***Саодат калити илму ҳикматдир.***

**Пиримқул ДЎСТМАМАТОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

# Эзгулик нури

*Чироқчи тумани «Қаҳрамон» қишлоғида яшовчи иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Холиёр бобо Жаниевни вилоятда танимаган одам кам.*

***Урушнинг ҳаёт-мамот кунларида матонат кўрсатган қаҳрамонимиз Она-Ватанга қайтгач севимли касби — ўқитувчиликни давом эттирди. Узоқ йиллар давомида ўрта мактабларда минглаб ўқувчиларга таълим берди, уларнинг ҳаётини илм чашмалари билан суғорди.***

***Қувонарлиси, Холиёр бобонинг фарзандлари, келинлари, куёвлари ҳамда набиралари орасида ўқитувчилик касбини танлаганлар талайгина. Ўғли Рамазон ака қарийб 30 йил Қори Ниёзий номли умумтаълим мактабида директор бўлиб ишлади. Қизлари Сайёра ва Хушвақт опа, куёвлари Самад Пардаев, Худойберди Жўраев, келинлари Муҳаббат ва Мунаввар бир неча йилки толиби илмларга сабоқ бериб келмоқда.***

***Набиралари Анвар, Ҳулкар, Ойгул, Ҳусния, Замира, Ҳафиза ,Дилшода ҳам билими, ҳам дарс ўтиш маҳорати билан одамлар тилига тушиб улгурган. Уларнинг мутахассислиги рус тили, кимё, тарих, биология, география каби мураккаб фанлардан бўлиб, бу ҳол таълим масканларининг кадрларга бўлган эҳтиёжини қоплашда жуда асқотяпти. Бошланғич таълим йўналиши бўйича таълим олган зиёкорлар эса бобомерос анъанани давом эттириб, бошланғич синф ўқувчиларининг тетапоя бўлишида камарбаста бўлишмоқда.***




**Холиёр Жаниев фарзандлари ва набиралари билан**

***88 ёшга кирган Холиёр Жаниев бугун 49 набира ва 51 череванинг севимли бобожони. Фарзандлари ва набиралари йиғилганда гўё яшариб кетади. Уларга турли ҳаётий ҳикоялар, педагогик маслаҳатлар беришдан чарчамайди.***

***Дарҳақиқат, устознинг пурмаъно сўзларини тингласангиз, қалбингиз нурга, эзгуликка тўлгандек бўлади.***

**Гулафзал АРЗИЕВА**

*Дилшод Сатторов 1995 йил Тошкент шаҳрида туғилган. У 2001 йилда Р. Глиэр номидаги республика махсус мусиқа академик лицейига ўқишга келди. Бу ерда устозлари кўмагида фортапиано чалиш сир-асрорларини ўргана бошлади.*

# Истеъдодларга бой маскан



— Илк устозим Елена Бочкарёвадан бир умр миннатдорман, — дейди Дилшодбек биз билан суҳбатда. — У кишидан фортапианода турли асарлар ижро этиш сирларини ўргандим. Устозимнинг самарали меҳнатлари туфайли 2006 йилда Тошкент шаҳрида ўтказилган «Санъат ғунчалари» танловида 3-ўрин соҳиби бўлдим. Бундан ташқари, жорий йилнинг апрел ойида Парижда ўтган 9-Халқаро танловда жаҳоннинг бир нечта сара асарларини, жумладан, Гайдиннинг «Соната»-си, Чернининг «11-этюд»и, Дебюсининг «Минстрелли»си ҳамда Мушелнинг «Таккота»-сини муваффақиятли ижро этиб, 2-ўринни қўлга киритдим. Қолаверса, 21-27 июл кунлари Италиянинг Санбартоламео шаҳрида ўтазилган «Giovani Talanti» халқаро танловда 1-ўринга лойиқ топилдим.

**— Санъат йўлини танлашингизга оилангиздагиларнинг муносабати қандай бўлган?**

— Болалигимдан ушбу соҳага қизиқишим баланд эди. Шунинг учун ота-онам бошданоқ қўллаб-қувватлашган. Ҳозирда мазкур лицейнинг 7-синфида таҳсил олаяпман.

**— Режаларингиз қандай?**

— Насиб этса, ўқишимни Ўзбекистон Давлат консерваториясида давом эттирмоқчиман.

*Дилшодбекнинг устози Елена Бочкарёвани суҳбатга тортдик.*

— Лицейимиз истеъдодли ўқувчиларга бой. Бизда ҳар бир ўқувчи етакчи устозлар ва комиссиялар томонидан жиддий синовдан ўтиб, сўнгра қабул қилинади. Ана шундай истеъдодли ўқувчилардан Бобур Муҳаммаджонов, Сардор Турсунов ва Бобур Маҳкамбоев бир неча нуфузли танловларда ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилгани бизни қувонтиради, албатта.

**Нарзулла МАҲАМОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

**Когон шаҳридаги 4-умумтаълим мактабининг география фани ўқитувчиси, халқ таълими аълочиси Ойгул Баротова касби ортидан бахт топган устоз муаллимлардан. Йигирма йиллик меҳнат фаолияти давомида юзлаб ўқувчиларни мустақил ҳаётга йўллаб, ўз касбини ардоқлаб келаяпти.**

# Аёл бахти

О.Баротова саккиз йилдирки, бошланғич касаба уюшма қўмитасини ҳам бошқариб келяпти. Касаба уюшма ва маъмуриятнинг ҳомий ташкилотлар билан ҳамкорликда олиб бораётган тадбирлари туфайли ўқитувчилар учун қулай меҳнат шароити яратилди. Таълим-тарбия жараёнида замонавий педагогик технологияларнинг қўлланилиши эса ўқувчиларнинг фан олимпиадалари ҳамда спорт мусобақаларида юқори натижаларга эришишини таъминламоқда.

— Бахтлиман дейишга тўла ҳаққим бор, — дейди муаллима фахрланиб. — Ғиждувонлик педагоглар сулоласи — Баротовлар оиласининг фарзандиман. Ота-онам 40 йил мактабда ёш авлодга сабоқ беришган. Биз ака-ука, опа-сингиллар ҳам уларнинг анъаналарини давом эттиряпмиз. «Йил ўқитувчиси» кўрик-танловининг республика босқичида иштирок этдим. Меҳнатларим муносиб тақдирланди. Қизим Зарина педагог касбини танлаб изимдан бораётгани, собиқ ўқувчиларим Алишер Бекназаров, Гулнора Содиқова сингари ўнлаб ёшлар ҳамкасб бўлганидан мамнунман.

**Иззатулла ХОЖИЕВ.**
**«Ishonch» мухбири**



# Умр мазмуни



***Жамила табиатан болажон бўлгани учун ўқитувчиликни танлади. Хато қилмаган экан, шу касб туфайли одамлар орасида ҳурмат қозонди.***

Ўн саккиз йилдирки, Зарбдор тумани Бўстон шаҳарчасидаги 1-умумтаълим мактабида бошланғич синф ўқувчиларига таълим-тарбия бериб келаяпти. Ж. Қувноқованинг педагогик тажрибаси туманда кенг оммалаштирилган.

Янги педагогик технологиялар асосида ўқитилаётган ноанъанавий ва интерфаол дарслар, айниқса, «Музёрар ўйини», «Балиқча», «Сен кимсан?» сингари ўндан ортиқ турдаги ўйинлар 3-синф ўқувчилари рейтинги юқорилигини таъминлаяпти.

— Бугунги тезкор давр ўқитувчи зиммасига алоҳида масъулият юклайди, — дейди Ж.Қувноқова. — Негаки, сергак болаларнинг қалбига йўл топа билиш, билим чўққилари сари етаклаш осон иш эмас. Бу педагогдан маҳорат билан бирга матонатни ҳам талаб этади. Мақсадга эришиш учун муаллим тинмай изланиши лозим. Бунда турли адабиётлар қаторида вақтли матбуот нашрларидан кенг фойдаланаман.

Яқинда Жамиланинг «Математика фанидан тест олишда вариантларга бўлиш», «Ўқиш дарсида ўқувчи нутқини ошириш» мавзуларида ёзган тавсиялари туман халқ таълими бўлими томонидан юқори баҳоланиб, кенг оммалаштиришга тавсия этилди.

— Жамила сингари шогирдим борлигидан фахрланаман, — дейди тажрибали ўқитувчи Холдон Абдуллаева. — Унинг «очиқ дарс»ларини ҳамиша қизиқиш билан кузатиб бораман: дарс шунчалик маҳорат билан ўтиладики, ундан завқланамиз. У ҳамиша янгиликка интилиб, бутун борлиғини болажонларга бахш этиб яшайди.

Жамила қадрдон мактаби бағрида кечган умрини бирма-бир кўз ўнгидан ўтказар экан, мазмунли ҳаётидан кўнгли тўлиб, қалби қувончдан ҳапқириб кетди. Бунда мактаб педагогик жамоаси билан бирга оила аъзоларининг ҳам бевосита қўллаб-қувватлаб, суянчиқ бўлаётганидан фахр ҳиссини туйди. Умр мазмуни деганлари балки шудир...

**Абдуманноп АЗИМОВ,**
**«Ishonch» мухбири**


ТАЪЛИМ ВА ФАН ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ ХОРАЗМ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ



Соҳа фидойиларини Ўқитувчилар ва мураббийлар куни ҳамда Рамазон ҳайити билан қизғин табриклайди.
Барчангизга сиҳат-саломатлик, бахту иқбол, машаққатли фаолиятингизда ютуқлар ҳамроҳ бўлсин!
Бир умр шогирдлар аъзози, эл ҳурматида юринг!

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Сурхондарё вилоят кенгаши



Юртимиз таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган устоз ва мураббийларни касб байрамлари билан самимий муборакбод этади.



Келажак авлодни камолга етказишдек шарафли ишларида муваффақиятлар тилайди. Мустаҳкам соғлик, оилавий бахт-саодат ва омад ҳамиша ёр бўлсин!

